QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.

# O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 6 » oktabr № 572 Toshkent sh.

## Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш, аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш, аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишини бекор қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2021 йил 24 июлдаги ПФ–6269-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш, аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш, аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишини бекор қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти** (кейинги ўринларда – Маъмурий регламент) иловага мувофиқ тасдиқлансин:

эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали мурожаат қилиш тартиби;

аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш;

аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишини бекор қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш, мазкур қарор кучга киргунга қадар давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар бундан мустасно;

эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида шаффофлик ва холисликни таъминлаш;

эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш ва Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиш.

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.



2. Молия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда**:

ушбу қарор билан тасдиқланган Маъмурий регламентга мувофиқ давлат хизматларини кўрсатиш ЯИДХП орқали жорий этилишини таъминласин;

ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатлар кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин.

3. Адлия вазирлиги:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатилишининг белгиланган тартибига риоя этиш бўйича уларнинг фаолияти юзасидан, жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин;

ушбу қарор билан тасдиқланган Маъмурий регламент талаблари бузилган ҳолларда, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларига нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазо чораларини қўлласин.

4. Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 1

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 6 октябрдаги 572-сон қарорига
илова

# Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш, аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш, аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишини бекор қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Маъмурий регламент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш, аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ҳамда аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишини бекор қилиш бўйича давлат хизматларини (кейинги ўринларда – давлат хизматлари) кўрсатиш тартибини белгилайди.

Ушбу Маъмурий регламент талаблари давлат қимматли қоғозларига нисбатан татбиқ қилинмайди.

2. Мазкур Маъмурий регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ваколатли давлат органи** – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (кейинги ўринларда – ваколатли орган);

**эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишининг ягона давлат реестри** (кейинги ўринларда – ЯДР) – рўйхатдан ўтказилган эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишининг рўйхати;

**эмитент** – эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқарувчи ва улар юзасидан қимматли қоғозлар эгалари олдида мажбуриятлари бўлган юридик шахс.

3. Мазкур Маъмурий регламентга мувофиқ давлат хизматлари туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали кўрсатилади.

4. Ваколатли орган ва эмитент (эмитентлар) ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар ўртасидаги ҳаракатлар электрон рақамли имзодан (кейинги ўринларда – ЭРИ) фойдаланилган ҳолда, идоралараро электрон ҳамкорлик орқали амалга оширилади.

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.



5. Эмитент давлат хизматларидан фойдаланиш учун туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларига бевосита ўзи ёки ишончли вакили орқали мурожаат этади ёхуд ЯИДХПда давлат хизматларидан электрон шаклда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади.

Бунда эмитент туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат этган тақдирда, туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари ходими эмитент номидан, ЯИДХП орқали мурожаат қилган ҳолларда эса – эмитент мустақил равишда ҳужжатларни электрон шаклда тўлдиради.

## 2-боб. Давлат хизматларини кўрсатиш тартиби

6. Давлат хизматлари ушбу Маъмурий регламентга 1-иловага мувофиқ схема асосида кўрсатилади.

7. Эмитент эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун мурожаат қилганда, қуйидаги ҳужжатларни тўлдиради:

а) мазкур Маъмурий регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги ариза;

б) акциялар чиқарилишида мазкур Маъмурий регламентга 3-иловага мувофиқ шаклдаги акциялар чиқарилиши (қўшимча, янги чиқарилиши) тўғрисидаги қарор;

в) облигациялар чиқарилишида мазкур Маъмурий регламентга 3а-иловага мувофиқ шаклдаги облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор;

г) эмитент бошқарув органи томонидан тасдиқланган ҳамда қуйидагиларни ўз ичига олган қимматли қоғозлар эмиссия рисоласи:

давлат ташкилотлари акциядорлик жамиятларига айлантирилаётганда – мазкур Маъмурий регламентга 4-иловага мувофиқ;

бошқа акциядорлик жамиятлари, шунингдек, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар учун – мазкур Маъмурий регламентга 4а-иловага мувофиқ (қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган тақдирда);

инвестиция фондлари учун – мазкур Маъмурий регламентга 4б-иловага мувофиқ.

Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилаётганда, қимматли қоғозлар эмиссия рисоласи акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарори ҳисобланади.

Эмитент мазкур банднинг “б”, “в”, “г” кичик бандларида назарда тутилган ҳужжатлар аслининг биринчи саҳифаси нусхасини, қолган маълумотларни эса электрон шаклда тўлдирилган ҳолда юборади.

Бунда мазкур Маъмурий регламент ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун эмитент томонидан ваколатли органга тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар PDF (Portable Document Format) формат ва шаклида тўлиқ юкланиши (илова қилиши) лозим.

8. Қимматли қоғозларни жойлаштириш муддати давомида қимматли қоғозларни чиқариш натижалари бўйича билдиришнома тақдим этилишига қадар ва тақдим этилгандан кейин қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорга ва рисолага ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда эмитентнинг аризаси асосида киритилади.

9. Эмитент туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат этганда, туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларининг ходими эмитент номидан, ЯИДХП орқали мурожаат қилганда эса – эмитентнинг ўзи мазкур Маъмурий регламентга 5-иловага мувофиқ шаклдаги аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризани электрон шаклда тўлдиради.

Бунда эмитент мазкур Маъмурий регламент ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига киритилган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ваколатли органга тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатларни PDF (Portable Document Format) формат ва шаклида тўлиқ юклаши (илова қилиши) лозим.

10. Қимматли қоғозлар чиқарилиши қимматли қоғозлар чиқарилишига аввал берилган давлат рўйхати рақамини бекор қилиш орқали қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ЯДРдан чиқарилади.

11. Қимматли қоғозлар чиқарилиши ЯДРдан чиқаришга асослар пайдо бўлган кундан бошлаб ўн кун мобайнида эмитент туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларига мурожаат этган тақдирда, туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларининг ходими эмитент номидан, ЯИДХП орқали мурожаат қилган ҳолларда эса – эмитент мустақил равишда ушбу Маъмурий регламентга 6-иловага мувофиқ шаклда электрон аризани тўлдириши, тегишли сабабларни, қимматли қоғозлар чиқарилишига берилган, ЯДРдан чиқарилиши лозим бўлган давлат рўйхати рақамини кўрсатиб ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган керакли ҳужжатларни PDF (Portable Document Format) формат ва шаклида тўлиқ юкланиши (илова қилиши) лозим.

12. Эмитент давлат хизматларидан фойдаланиш учун туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларига мурожаат этганда, унинг аризаси туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларининг ходими томонидан тўлдирилиб, эмитент томонидан идентификация қилишнинг замонавий воситалари билан тасдиқлангандан сўнг реал вақт режимида дарҳол, ЯИДХП орқали мурожаат қилганда эса – ариза автоматик тарзда ваколатли органга электрон шаклда юборилади.

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.



13. Эмитентнинг эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизмати кўрсатилганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида йиғим (кейинги ўринларда – йиғим) ундирилади.

Эмитент давлат хизмат кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, йиғим суммаси 90 фоиз миқдорда ундирилади.

14. Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат этилганда:

20 фоизи – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи – ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар – ваколатли органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,25 фоизи – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

0,5 фоизи – ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси махсус ҳисоб варағига;

қолган маблағлар – ваколатли органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади.

Давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун йиғим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

15. Аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига киритилган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларни, аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишини бекор қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим ундирилмайди.

16. Эмитент томонидан ушбу Маъмурий регламент ҳамда қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган давлат хизматларини кўрсатиш учун талаб қилинадиган керакли ҳужжатларнинг тўлиқ эмаслиги, қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ва тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш учун

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.



қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган йиғимнинг тўланмаганлиги (эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун) давлат хизматлари кўрсатилишини рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматларини кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

17. Ваколатли орган ҳужжатлар келиб тушган кундан бошлаб ўттиз кун ичида давлат хизматлари кўрсатилиши ёки давлат хизматлари кўрсатилишини рад этиш тўғрисида асослантирилган хабарномани (кейинги ўринларда – хабарнома) эмитентга жўнатади.

18. Эмитент давлат хизматларидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Эмитент давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг аризаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади, давлат рўйхатидан ўтказилган ёки давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган ҳоллар бундан мустасно.

Бунда эмитент томонидан эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

19. Эмитент рад этишнинг асослантирилган сабабини ўз ичига олган хабарномани олган кундан бошлаб уч ой мобайнида туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХПда фақат кўрсатилган камчиликлар бартараф этилган ҳужжатларни юклаган (илова қилган) ҳолда, бу тўғрисидаги маълумотни аризада акс эттириб қайта мурожаат этади.

Эмитент белгиланган муддатда қайта мурожаат қилганда, эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун йиғим ундирилмайди.

Эмитент қайта мурожаат этиш муддати ўтгандан кейин мурожаат қилганда, мурожаат янгидан берилган деб ҳисобланади ва умумий асосларга кўра кўриб чиқилади.

20. Туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари ваколатли орган томонидан электрон шаклда хабарнома келиб тушган кунда уни эмитентнинг электрон манзилга юборади. Давлат хизматлари марказлари эмитентнинг сўровига кўра хабарномани қоғоз шаклида бериши мумкин.

Эмитент ЯИДХП орқали мурожаат қилганда, хабарнома ваколатли орган томонидан унга электрон шаклда автоматик равишда эмитентнинг электрон кабинетига юборилади.

## 3-боб. Якунловчи қоидалар

21. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

22. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳамда давлат хизматлари марказлари ушбу Маъмурий регламентнинг талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини доимий назорат қилади ва мониторинг олиб боради.

23. Эмитент давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчиликка мувофиқ шикоят қилиши мумкин.

24. Ушбу Маъмурий регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.

Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини
давлат рўйхатидан ўтказиш, аввал давлат рўйхатидан
ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига
ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш,
аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар
чиқарилишини бекор қилиш бўйича давлат хизматларини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

## Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш, аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш, аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишини бекор қилиш

## СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Муддати |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Эмитент | 1. Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш, аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш,аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишини бекор қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентида назарда тутилган рўйхатга мувофиқ зарур ҳужжатларни тайёрлайди.<br>2. Эмитент эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш, аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш,аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишини бекор қилиш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун исталган туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларига бевосита ўзи келиб ёки ишончли вакили орқали мурожаат этади ёхуд давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтиб, тегишли ҳужжатларни тақдим этиши лозим. | 1. Заруратга кўра<br>2. Эмитент хоҳишига кўра |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2-босқич | Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП | Эмитент давлат хизматлари марказига бевосита ўзи ёки ишончли вакили орқали келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси давлат хизматлари марказлари ходими томонидан тўлдирилиб, эмитентнинг имзоси билан тасдиқлангандан сўнг ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилганда – сўровнома эмитент томонидан мустақил равишда тўлдирилиб, ваколатли органга электрон шаклда юборилади. | Туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари орқали дарҳол, ЯИДХП орқали эса сўровнома автоматик тарзда |
| 3-босқич | Молия вазирлиги | 1. Ваколатли орган эмитентнинг сўровномаси унга илова қилинган ҳужжатлар электрон шаклда келиб тушган кундан бошлаб кўриб чиқиш ёки кўриб чиқишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.<br><br>2. Эмитентнинг сўровномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ эмаслиги аниқланса, ушбу ҳужжатлар эмитентга камчиликларни бартараф этиш учун қайтарилади.<br><br>3. Туман (шаҳар) давлат хизматлари маркази ваколатли органдан келиб тушган электрон шаклдаги хабарномани эмитентга у сўровномада кўрсатган электрон манзил бўйича юборади ва эмитентни бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.<br><br>4. Агар хабарнома ваколатли орган томонидан эмитентга ЯИДХП орқали электрон шаклда юборилса, эмитентнинг шахсий кабинетида намоён бўлади. | 1. Сўровнома ваколатли органга электрон шаклда келиб тушган кундан бошлаб 30 кун ичида<br><br>2. Қарор қабул қилинган санадан кейин дарҳол<br><br>3. Ваколатли органдан электрон шаклда хабарнома келиб тушган кунда<br><br>4. Автоматик равишда |

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.



| | | | |
|---|---|---|---|
| 4-босқич | Молия вазирлиги<br><br>Давлат хизматлари марказлари | 1. Ваколатли орган давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарорни қабул қилгандан кейин белгиланган тартибда QR-код (матрик штрихли код) қўйилган қарорни расмийлаштиради ва уни ўзи ЭРИси билан тасдиқлаб, тегишли туман (шаҳар) давлат хизматлари марказига (ўзи мурожаат этганда) ёки эмитентга ЯИДХП орқали (электрон тарзда мурожаат этганда) электрон шаклда юборади.<br><br>2. Туман (шаҳар) давлат хизматлари маркази ваколатли органдан хабарнома олгандан сўнг уни эмитентнинг электрон манзилига юборади ва эмитентни бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади. Туман (шаҳар) давлат хизматлари марказига эмитент ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда, эмитентнинг сўровига кўра унга хабарномани электрон ёки қоғозга чиқарилган шаклда муҳрини босиб, масъул ходимнинг имзосини қўйиб бериши мумкин.<br><br>3. Агар хабарнома ваколатли орган томонидан эмитентга ЯИДХП орқали электрон шаклда юборилса, у эмитентнинг шахсий кабинетида намоён бўлади. | 1. Ваколатли орган қарор қабул қилганидан сўнг дарҳол<br><br>2. Ваколатли органдан электрон шаклда хабарнома келиб тушган кунда<br><br>3. Автоматик равишда |

Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини
давлат рўйхатидан ўтказиш, аввал давлат рўйхатидан
ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига
ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш,
аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар
чиқарилишини бекор қилиш бўйича давлат хизматларини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
2-илова

**Қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида**
**АРИЗА ШАКЛИ**

| **Қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида АРИЗА** | | |
|---|---|---|
| 1. | Эмитентнинг СТИРи | |
| 2. | Қимматли қоғоз кўриниши ва тури | |
| 3. | Қимматли қоғозлар сони | |
| 4. | Бир дона қимматли қоғознинг номинал қиймати | |
| 5. | Чиқаришнинг умумий ҳажми | |
| 6. | Қимматли қоғозлар чиқарилишининг тартиб рақами | |
| 7. | Эмитентнинг масъул ходими ҳақида маълумот ва унинг боғланиш учун маълумотлари | |
| 8. | Қимматли қоғозларни чиқариш учун камчиликларни бартараф этган ҳолда қайта мурожаат қилинмоқдами? | |
| 9. | Аввал топширилган ҳужжатлар ва рад жавоби ҳақидаги хабарнома тўғрисидаги маълумотлар (мавжуд бўлса, тўлдирилади) | |
| 10. | Давлат корхонаси акциядорлик жамияти сифатида қайта ташкил этилмоқдами? | |

Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини
давлат рўйхатидан ўтказиш, аввал давлат рўйхатидан
ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига
ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш,
аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар
чиқарилишини бекор қилиш бўйича давлат хизматларини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
3-илова

**"ТАСДИҚЛАНГАН"**

________________________________

(эмитентнинг номи)

________________________________

(жамият кузатув кенгаши раисининг ёки бошқа ваколатли шахснинг Ф.И.О. ва имзоси)

________________ _____ -сон

(сана)

**"РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН"**

________________________________

(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

________________________________

(рўйхатдан ўтказувчи орган ваколатли шахсининг лавозими, Ф.И.О., имзо)

________________ _______-сон

(сана)

**«ТАСДИҚЛАНГАН»****

________________________________

(баҳоловчи ташкилот номи)

________________________________

(раҳбарнинг лавозими, Ф.И.О., имзо)

________________

(сана)

**АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ (ҚЎШИМЧА, ЯНГИ ЧИҚАРИЛИШИ) ТЎҒРИСИДА ҚАРОР**

____________________________________________________________________

(эмитентнинг тўлиқ номи кўрсатилади)

| | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Идентификация рақами берилди:** | | | | | | | | | | |

____________________________________________________________________.

(акциялар тури ва сони, уларни чиқариш шакли, номинал қиймати кўрсатилади)

____________________________________________________________________.

(акцияларни жойлаштириш усули кўрсатилади)

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ____________________________________ чиқарилишдир.

(чиқарилишнинг тартиб рақами)

Тасдиқланган ________________________________________________________

(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаган органи кўрсатилади)

20____ й. «____» ____________ ______-сон баённома,

20____ й. «___» ___________ даги____-сон баённома ______________________________

____________________________________________________________________асосида

(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган органи кўрсатилади)

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, боғланиш учун телефон рақамлари ва электрон почта манзили:____________________________________________________________

Эмитентнинг раҳбари: ________________________________________________

(Ф.И.О., имзо)

Бош бухгалтер: _____________________________________________________

(Ф.И.О., имзо)

Сана

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.



Қимматли қоғозлар чиқарилишига доир ҳужжатларни тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатган инвестиция маслаҳатчисининг номи:

______________________________________________

Инвестиция маслаҳатчиси билан тузилган шартнома рақами ва санаси ____________
Инвестиция маслаҳатчиси раҳбарининг Ф.И.О. ва имзоси:

__________ ____________________

Сана

| | |
|---|---|
| **Тўлдириладиган катак номи ва рақами** | **Тўлдириладиган катак** |
| 1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури<br><br>*(оддий ёки имтиёзли)* | |
| 2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: | |
| 3. Ушбу чиқарилишда акцияларнинг номинал қиймати (сўм): | |
| 4. Ушбу чиқарилишда акцияларнинг сони (дона): | |
| 5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): | |
| 6. Ушбу чиқарилишда акциялар эгаларининг ҳуқуқлари: | |
| 7. Ушбу чиқарилишда акцияларни олишга нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: | |
| 8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): | |
| 9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): | |
| 10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): | |
| 11. Ушбу чиқарилишда акцияларни жойлаштириш шартлари ва тартиби. | |
| 11.1.Ушбу чиқарилишда акцияларни жойлаштириш усули (очиқ ёки ёпиқ обуна): | |
| 11.2. Ушбу чиқарилишда акцияларни жойлаштириш муддати:<br><br>*(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби.*<br>*Агар акцияларни жойлаштириш муддати акциялар чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.)* | |
| 11.3. Ушбу чиқарилишда акцияларни жойлаштириш тартиби:<br><br>*(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштирилишда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.*<br><br>*Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш орқали амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:* | |

| | |
|---|---|
| *тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;*<br>*профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;*<br>*ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларнинг охиргиси ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.)* | |
| 11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони: | |
| 11.5. Ушбу чиқарилишда жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:<br><br>*(жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда, қуйидагилар кўрсатилади:*<br>*бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);*<br>*жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;*<br>*жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби.)* | |
| 11.6. Ушбу чиқарилишда акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:<br><br>*(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.*<br>*Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларни баҳолаш ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.).* | |
| 11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:<br><br>*(акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган маблағлар кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда.).*<br><br>*Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда, акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бошқалар) билан, шунингдек, бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:* | |

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.



| | |
|---|---|
| *баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;<br>баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.)* | |
| 11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: | |
| 12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби: | |
| 13. Бошқа маълумотлар. | |

Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш, аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш, аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишини бекор қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентига
3а-илова

**"ТАСДИҚЛАНГАН"**

______________________________
(эмитентнинг номи)

______________________________
(жамият кузатув кенгаши раисининг ёки бошқа ваколатли шахснинг Ф.И.О. ва имзоси)
__________________ ________ -сон
(сана)

**"РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН"**

______________________________
(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

______________________________
(рўйхатдан ўтказувчи орган ваколатли шахсининг лавозими, Ф.И.О, имзо)
__________________ ______ — сон
(сана)

**"ТАСДИҚЛАНГАН"*__**

______________________________
(ушбу чиқарилиш бўйича таъминот берган шахснинг номи)

______________________________
(раҳбарнинг лавозими, Ф.И.О., имзо)
20____ й. «____» ________________

**"ТАСДИҚЛАНГАН"**__**

______________________________
(баҳоловчи ташкилот номи)

______________________________
(раҳбарнинг лавозими, Ф.И.О, имзо)
20____ й. «_____» ______________

**ОБЛИГАЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР**

______________________________________________
(эмитентнинг тўлиқ номи кўрсатилади)

| **Идентификация рақами берилди:** | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

______________________________________________
(облигациялар тури, кўриниши ва сони, уларни чиқариш шакли, номинал қиймати кўрсатилади)

______________________________________________
(облигацияларни жойлаштириш усули кўрсатилади)

Облигацияларнинг ушбу чиқарилиши __________________________чиқарилишдир.
(чиқарилишнинг тартиб рақами)

Тасдиқланган ______________________________________________
(эмитентнинг облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаган органи кўрсатилади)
20___ й. «___» ______________ ____-сон баённома,
20___ й. «___» ______________ даги ____-сон баённома

______________________________________________асосида.
(эмитентнинг облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарорини қабул қилган органи кўрсатилади)

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили ва мулоқот телефонлари: ______

Эмитентнинг раҳбари: ______________________________
(Ф.И.О., имзо)

Бош бухгалтер: ______________________________
(Ф.И.О., имзо)

Сана

Қимматли қоғозлар чиқарилишига доир ҳужжатларни тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатган инвестиция маслаҳатчисининг номи: ______________________________

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.



Инвестиция маслаҳатчиси билан тузилган шартнома рақами ва санаси __________
Инвестиция маслаҳатчиси раҳбарининг Ф.И.О. ва имзоси:

____________________ ______________________________

Сана

<table>
<tr><th colspan="2">Катакнинг рақами ва номи</th><th colspan="4">Тўлдириладиган катак<br>(жавоб вариантлари)</th></tr>
<tr><td>1</td><td>Ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг кўриниши ва тури</td><td colspan="4"></td></tr>
<tr><td>2</td><td>Ушбу облигациялар чиқарилишининг шакли</td><td colspan="4"></td></tr>
<tr><td>3</td><td>Ушбу чиқарилишда облигацияларнинг номинал қиймати (сўм)</td><td colspan="4"></td></tr>
<tr><td>4</td><td>Ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг сони (дона)</td><td colspan="4"></td></tr>
<tr><td>5</td><td>Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм)</td><td colspan="4"></td></tr>
<tr><td>6</td><td>Ушбу чиқарилишда облигациялар эгаларининг ҳуқуқлари<br>(Кўрсатилади: облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда эмитентдан облигацияларнинг номинал қийматига тенг бўлган сумма миқдорини ёки бошқа мол-мулк эквивалентини олиш ҳуқуқи, шунингдек, облигацияларнинг номинал қийматининг белгиланган фоизини ёки облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарор билан белгиланган бошқа мулкий ҳуқуқларни олиш ҳуқуқи; амалга ошириш шартлари, тартиби ва муддатлари кўрсатилган ҳолда, шу жумладан, эмитентнинг ўз капитали камайганида ва унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганида, эмитент томонидан облигацияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи. Бунда, эмитентнинг ўз капиталининг камайиши тўғрисидаги маълумотни ошкор қилиш тартиби кўрсатилиши керак; бошқа ҳуқуқлар).</td><td colspan="4"></td></tr>
<tr><td>7</td><td>Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни сотиб олинишига нисбатан чекловлар<br>(Бунда чекловлар кўрсатилаётганда чекловларга асос бўлган ҳужжат(лар) ва (ёки) қонунчилик ҳужжатларини кўрсатиш лозим)</td><td colspan="4"></td></tr>
<tr><td>8</td><td>Устав миқдори<br>(Жамият устав капиталининг миқдори (сўм))</td><td colspan="4"></td></tr>
<tr><td>9</td><td>Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади))</td><td colspan="4"></td></tr>
<tr><td>10</td><td>Илгари жойлаштирилган облигациялар сони<br>(турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади)</td><td colspan="4"></td></tr>
<tr><td>11</td><td colspan="5">Ушбу чиқарилишда облигацияларни жойлаштиришнинг шартлари ва тартиби</td></tr>
<tr><td>11.1</td><td>Ушбу чиқарилишда облигацияларни жойлаштирилшнинг усули (очиқ ёки ёпиқ</td><td>Тартиб</td><td>Жисмоний ва юридик шахс</td><td>Облигациялар сони</td><td>Улуш (%)</td></tr>
</table>

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.



| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | обуна) (ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек, облигацияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади.) | рақами | маълумотлари Ф.И.О | | |
| 11.2 | **Ушбу чиқарилишда облигацияларни жойлаштиришнинг муддати:** *(Кўрсатилади: облигацияларни жойлаштиришни бошлаш ва тугатиш санаси ёки облигацияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби. Агар облигацияларни жойлаштириш муддати облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.)* | | | | |
| 11.3 | **Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни жойлаштириш тартиби** *(Кўрсатилади: облигацияларни жойлаштиришда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар. Агар эмитент томонидан облигацияларни жойлаштириш эмитентга облигацияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади: тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи; профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган; ушбу шахснинг асосий вазифалари, агар эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган облигацияларни ўз ҳисобидан сотиб олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.)* | | | | |
| 11.4 | **Маълумот** *(Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга оладиган инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони.)* | | | | |
| 11.5 | **Овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган жойлаштирилаётган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби** (Овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган жойлаштирилаётган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда, қуйидагилар кўрсатилади: | | | | |

| | | |
|---|---|---|
| | бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);<br>бу усулда жойлаштирилаётган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;<br>бу усулда жойлаштирилаётган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби;<br>облигацияларни овоз берувчи акцияларга айирбошлаш тартиби.) | |
| 11.6 | **Ушбу чиқарилишдаги облигациялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби** *(Облигациялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади. Агар ушбу чиқарилиш овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариладиган бўлса, қўшимча равишда овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган облигацияларни харид қилишда имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга облигацияларни жойлаштириш баҳоси ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.)* | |
| 11.7 | **Облигацияларни тўлаш шартлари ва тартиби** *(Облигацияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан, ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, облигациялар тўланишига келиб тушадиган маблағлари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда). Облигациялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда, облигациялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бошқалар) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи; баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.)* | |
| 11.8 | **Ушбу облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, эмитент томонидан облигациялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби** | |

| | | |
|---|---|---|
| 21. Мазкур чиқарилиш билан боғлиқ тегишли хизматларни кўрсатиш бўйича шартнома тузилган юридик ва молия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг тўлиқ номи. | |

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.



| | |
|---|---|
| 22. Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи ташқилотлар тўғрисида маълумот.<br><br>*(Кўрсатилади:*<br>*тўлиқ номи, жумладан, ташкилий-ҳуқуқий шакли;*<br>*жойлашган манзили ва боғланиш учун маълумотлар;*<br>*қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи ташкилот билан тузилган шартнома санаси ва рақами)* | |
| 23. Рўйхатга олинган облигациялар чиқарилишлари тўғрисидаги маълумотлар.<br>*(Кўрсатилади:*<br>*ҳар бир чиқарилишдаги облигацияларнинг умумий миқдори, тури ва номинал қиймати, облигациялар ҳар бир чиқарилишининг давлат рўйхатидан ўтган санаси, ҳар бир чиқариш бўйича жойлаштирилган облигациялар миқдори, шунингдек, облигацияларни жойлаштиришда жалб этилган маблағларнинг умумий миқдори, ҳар бир облигация чиқарилиши бўйича ҳисобланган ва тўланган мукофот миқдори, қайта сотиб олинган облигациялар миқдори;*<br>*жойлаштирилмаган облигациялар фоизи, жойлаштирмаганлик сабаби (агар бундай ҳолат бўлса);*<br>*жамиятнинг облигациялар эгалари олдидаги мажбуриятларини бажармаслиги ҳолатлари бўйича маълумотлар (облигациялар бўйича мукофотларни тўламаслик (тўловнинг кечиктирилиши), жумладан, бажарилмаган мажбуриятлар ҳажми ва қанча муддатга кечиктирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган, аммо тўлаб берилмаган мукофот миқдори (тур ва чиқаришлар бўйича алоҳида);*<br>*маълум бир облигациялар чиқарилишини жойлаштириш ёки муомалага чиқариш тўхтатилган (тикланган) бўлса, бундай қарорни қабул қилган давлат органи, асос ва қарор қабул қилинган сана кўрсатилади.*<br>*Маълумотлар ушбу облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган санагача жамиятнинг барча рўйхатга олинган облигациялари тўғрисида хронологик тартибда берилади.*<br>*Жамиятнинг сўндирилмаган айирбошланадиган облигациялари тўғрисидаги маълумотлар алоҳида кўрсатилади)* | |

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.



| ***4-боб. Жамиятнинг бошқарув ва ижро органлари тўғрисидаги маълумот*** | |
|---|---|
| 24. Жамият кузатув кенгаши аъзолари тўғрисидаги маълумотлар.<br>*(Кўрсатилади:*<br>*кузатув кенгаши раиси ва аъзоларининг Ф.И.О. (кузатув кенгашида мустақил аъзо(лар) бўлса, улар ҳам кўрсатилади);*<br>*кузатув кенгаши аъзолари сайланган сана ва уларнинг сўнгги _____ йил ичидаги ва ҳозирги вақтдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги хронологик тартибдаги маълумотлар;*<br>*кузатув кенгаши ҳар бир аъзосига тегишли жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг жамият устав капиталидаги овоз берувчи акцияларнинг умумий ҳажмига фоиз нисбати.*<br>*Бўш катакда жамият неча йиллик маълумотларни тақдим этаётганлиги кўсатилади.*<br>*Ахборот жамиятнинг Кузатув кенгаши мавжуд бўлса ошкор этилади)* | |
| 25. Жамият кузатув кенгаши қўмиталари тўғрисидаги ахборот.<br>*(Қўмита номи, унинг вазифа ва функциялари, шунингдек, таркиби кўрсатилади. Маълумот жамият кузатув кенгаши қўмитаси мавжуд бўлган тақдирда ошкор қилинади)* | |
| 26. Жамиятнинг коллегиал (якка) ижроия органи тўғрисида маълумотлар.<br>*(Кўрсатилади:*<br>*ижроия органи вазифасини якка бажарувчи шахснинг Ф.И.О. ёки коллегиал ижроия органи раҳбари ва аъзоларининг Ф.И.О;*<br>*ижроия органи вазифасини якка бажарувчи шахс сайланган сана, унинг ёки коллегиал ижроия органи аъзолари ваколатлари, сўнгги _____ йил ичидаги ва ҳозирги вақтдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги хронологик тартибдаги маълумотлар;*<br>*жамият ижроия органи вазифасини якка бажарувчи шахс ёки жамият коллегиал ижроия органига тегишли овоз берувчи акцияларнинг жамият устав капиталидаги овоз берувчи акциялар умумий ҳажмига фоиз нисбати.*<br>*Бўш катакда жамият неча йиллик маълумотларни тақдим этаётганлиги кўрсатилади)* | |
| 27. Жамият ижроия органининг вазифаси топширилган ташкилот тўғрисидаги маълумот.<br>*(Кўрсатилади:*<br>*бошқарув ташкилотининг тўлиқ номи, жумладан, ташкилий-ҳуқуқий шакли,* | |

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-у.



<table>
<tr><td>жойлашган манзили ва алоқа маълумотлари;<br>бошқарув ташкилотининг ижроия органи вазифаларини якка тартибда бажарадиган шахснинг Ф.И.О., ёки бошқарув ташкилотининг коллегиал ижроия органи аъзолари ва кузатув кенгаши аъзоларининг Ф.И.О;<br>бошқарув ташкилотининг ижроия органи вазифаларини якка тартибда бажарадиган шахсга ёки бошқарув ташкилотининг коллегиал ижроия органи аъзолари ва кузатув кенгаши аъзоларига тегишли бўлган бошқарув ташкилотининг овоз берувчи акциялари (устав капиталидаги улушлари) бошқарувчи ташкилотнинг овоз берувчи акцияларининг (устав капиталидаги улушларнинг) умумий сонига фоиз нисбати;<br>Маълумот ижроия органнинг ваколатлари бошқарув ташкилотига топширилган тақдирда ошкор қилинади)</td><td colspan="5"></td></tr>
<tr><td>28. Мукофот ҳамда иш ҳақининг умумий миқдори, шунингдек, сўнгги _____ йил учун мазкур Рисоланинг 24, 26 ва 27-бандларида кўрсатилган жамиятнинг шахсларига берилган ва тўланган имтиёзлар.<br><br>(Бўш катакда жамият неча йиллик маълумотларни тақдим этаётганлиги кўсатилади)</td><td colspan="5"></td></tr>
<tr><td rowspan="3">29. Жамиятнинг 5 ва ундан ортиқ фоиз акциялари (улуши)га эга бўлган акциядорлари (иштирокчилари).<br><br>(Кўрсатилади:<br>акциядорнинг/иштирокчининг Ф.И.О., солиқ тўловчининг индивидуал рақами (жисмоний шахс учун);<br>тўлиқ номи, солиқ тўловчининг индивидуал рақами, жойлашган манзили (юридик шахслар учун;<br>кузатув кенгаши ҳар бир аъзосига тегишли жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг жамият устав капиталидаги овоз берувчи акцияларнинг умумий ҳажмига фоиз нисбати;<br>таъсисчи ёки йирик акциядор (иштирокчи) жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг 5 ва ундан ортиқ фоизига ёки устав капиталидаги иштирок этиш улушига эгалик қилишни бошлаган сана)</td><td>Жисмоний ёки юридик шахс маълумотлари</td><td colspan="2">Эгалик қиладиган акциялари сони</td><td colspan="2">Улуши (% да)</td></tr>
<tr><td></td><td colspan="2"></td><td colspan="2"></td></tr>
<tr><td></td><td colspan="2"></td><td colspan="2"></td></tr>
<tr><td rowspan="3">30. Жамиятнинг бошқа аффилланган шахслари тўғрисидаги маълумотлар.</td><td rowspan="3">Аффилланган — юридик шахсларнинг тўлиқ номи ёки аффилланган</td><td rowspan="3">Аффилланган шахс деб ҳисобланишининг асоси</td><td colspan="3">Аффилланган шахснинг эмитент устав капиталидаги улуши</td></tr>
<tr><td colspan="2">сони доналарда</td><td rowspan="2">улуш % да</td></tr>
<tr><td>Оддий</td><td>Имтиёзли</td></tr>
</table>

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.



| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | —<br>жисмоний шахсларнинг Ф.И.Ш. | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| ***5-боб. Жамиятининг молиявий-иқтисодий фаолияти кўрсаткичлари*** | | | | | |
| 31. Жамият фаолияти турлари.<br><br>*(асосий фаолият тури ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (хизматлар) турлари;*<br>*жамиятнинг лицензиялари (патентлари) тўғрисидаги маълумотлар)* | | | | | |
| 32. Жамиятнинг бозордаги улуши тўғрисидаги маълумот. | | | | | |
| 33. Соҳанинг келажакдаги тараққиёти борасидаги прогнозлар ва ушбу соҳадаги жамиятнинг ўрни. | | | | | |
| 34. Сўнгги _____ йил ичида ёки жамиятнинг расмий фаолияти даврида сотилган маҳсулотлар (бажарилган иш, хизматлар) ҳажми.<br><br>*(Бўш катакда жамият неча йиллик маълумотларни тақдим этаётганлиги кўсатилади.)* | | | | | |
| 35. Жамиятнинг ўз маҳсулотлари (ишлари, хизматлари)ни сотишни ташкил этиш бўйича фаолияти.<br><br>*(Кўрсатилади:*<br>*жамият истеъмол қиладиган товарлар (иш, хизмат) умумий ҳажмининг 10 ва ундан ортиқ фоизига тўғри келадиган етказиб берувчилар номи ва жойлашган манзили;*<br>*жамият ишлаб чиқарадиган товарлар (иш, хизмат) умумий ҳажмининг 10 ва ундан ортиқ фоизини истеъмол қиладиган истеъмолчилар номи ва жойлашган манзили)* | | | | | |
| 36. Жамият фаолиятига таъсир қиладиган омиллар: | | | | | |
| а) жамият фаолияти асосий турлари бўйича савдо (иш, хизмат) даромадлилигига ижобий ва салбий таъсир қиладиган омиллар; | | | | | |
| б) жамиятнинг суд жараёнларидаги иштироки тўғрисидаги маълумотлар;<br><br>*(Жамият фаолиятининг тўхтатилиши хавфи ёки ўзгариши, жамият активлари умумий ҳажмининг 10 (ўн) ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги пул ва бошқа мажбуриятларнинг ундирилиши билан боғлиқ суд жараёнларидаги иштироки тўғрисидаги маълумотларни кўрсатиш керак.* | | | | | |

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.



| | |
|---|---|
| *Жамият қимматли қоғозларини харид қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилишда муҳим деб билган бошқа суд жараёнлари тўғрисидаги маълумотларни ҳам ошкор қилиши мумкин)* | |
| в) ваколатли давлат органлари ва (ёки) суд томонидан сўнгги _____ йил давомида жамиятга ва унинг бошқарув органи аъзоларига нисбатан қўлланган барча маъмурий жазолар (санкциялар, жумладан молиявий) тўғрисидаги маълумотлар;<br><br>*(Санкцияни белгилаган орган, сана, қўллаш сабаблари, ҳажми, шунингдек, ушбу санкциялар кимга нисбатан қўлланганлиги ва рисола тасдиқланган санага уларнинг бажарилиши даражаси. Бўш катакда жамият неча йиллик маълумотларни тақдим этаётганлиги кўрсатилади)* | |
| г) таваккалчилик омиллари:<br>жамият фаолияти билан боғлиқ хавф-хатарлар;<br><br>*(Жамият фаолиятига хос ёки асосий молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ хавф-хатарлар, жумладан, қуйидагилар билан боғлиқ хатарлар тавсифланади:*<br>*Маълум турдаги фаолиятни юритиш учун ёки муомаласи чекланган объектлар (жумладан, табиий ресурслар)дан фойдаланиш учун лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш имкониятининг йўқлиги;*<br>*Учинчи шахслар, жумладан, жамиятнинг шуъба ташкилотлари бўйича жамият жавобгарлиги;*<br>*Савдо ҳажми маҳсулот (иш, хизмат)ни сотишдан олинадиган жами даромаднинг камида 10 (ўн) фоизига тўғри келадиган истеъмолчиларни йўқотиш эҳтимоли)*<br><br>тармоқ хавф-хатарлари;<br><br>*(Тармоқдаги вазият ёмонлашувининг жамият фаолияти ва ўз мажбуриятларини бажаришига таъсир қилиши мумкинлиги баён қилинади. Жамият фикрига кўра, тармоқда бўлиши мумкин бўлган энг аҳамиятли ўзгаришлар (ички ва ташқи бозорда алоҳида) кўрсатилади.*<br>*Жамият ўз фаолиятида фойдаланадиган хомашё, хизматлар (ички ва ташқи бозорда алоҳида) нархларининг ўзгариши билан боғлиқ хатарлар алоҳида баён қилинади.* | |

| | |
|---|---|
| *Жамият маҳсулотлари ва (ёки) хизматлари нархларининг ўзгариши билан боғлиқ хатарлар (ички ва ташқи бозорда алоҳида), ва уларнинг жамият фаолиятига бўлган таъсири алоҳида баён қилинади)*<br><br>молиявий хавф-хатарлар;<br><br>*(Жамият молиявий аҳволининг фоиз ставкалари, хорижий валютани айирбошлаш курси, шунингдек, қимматли қоғозларга бўлган бозор нархларининг салбий томонга ўзгаришига алоқадор хатарларга боғлиқлиги баён қилинади.*<br>*Жамият молия активлари ва молия мажбуриятлари номувофиқлиги (жумладан, жамиятнинг бир ёки бир неча контрагентлари молия мажбуриятларини ўз вақтида бажармаслиги оқибатида) ва (ёки) кутилмаганда жамият молия мажбуриятларини зудлик билан бир вақтнинг ўзида амалга ошириш зарурати юзага келиши оқибатида жамият ўз мажбуриятларини тўла бажара олмаслиги билан боғлиқ хатарлар алоҳида баён қилинади.*<br>*Молия хатарлари таъсирида молия ҳисоботининг қайси кўрсаткичлари ўзгаришга кўпроқ мойиллиги, уларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли ва ҳисоботда ўзгариши характери кўрсатилади)*<br><br>ҳуқуқий хавф-хатарлар;<br>операцион хавф-хатарлар;<br>жамият қимматли қоғозларини харид қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун муҳим деб билган бошқа хавф-хатарлар. | |
| 37. Хатарларни бошқаришда жамият сиёсати тўғрисидаги маълумотлар. | |
| 38. Жамиятнинг устав капитали тўғрисидаги маълумотлар.<br><br>*(Кўрсатилади:*<br>*уставга кўра устав капитали ҳажми, сўмда;*<br>*ҳисоб баланси бўйича устав капитали ҳажми, сўмда;*<br>*устав капиталининг тўланган қисми миқдори, сўмда;*<br>*Маълумот рақам ва ёзув билан кўрсатилади)* | |
| 39. Жамиятнинг ўз капитали тўғрисидаги маълумотлар, сўмда. | |
| 40. Захира фонди тўғрисидаги маълумот.<br><br>*(Кўрсатилади:* | |

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.



| | |
|---|---|
| *захира фондининг Устав бўйича миқдори, фоизда;*<br>*қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санага захира фондининг асл миқдори, минг сўм;*<br>*Қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санага қадар захира фонди шаклланмаган бўлса, ушбу ҳақида маълумот жавобда акс эттирилади)* | |
| 41. Асосий молиявий кўрсаткичлар.<br><br>*(Жамият фикрига кўра, қимматли қоғозларни харид қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун бундай маълумотларни ошкор қилиш муҳим бўлган молиявий коэффициентлар кўрсатилади)* | |
| 42. Жамиятнинг ҳисоб юритиш сиёсати ҳақидаги маълумотлар. | |
| 43. Сўнгги _____ тугалланган молиявий йил учун даромаддан фойдаланиш асосий йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар, минг сўм.<br><br>*(Бўш катакда жамият неча йиллик маълумотларни тақдим этаётганлиги кўсатилади)* | |
| 44. Мазкур Рисола тасдиқланган кунгача сўнгги йил учун аффилланган шахслар билан тузилган йирик битимлар тўғрисидаги маълумотлар.<br><br>*(Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг 15 фоизидан ортиғини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно)* | |
| 45. Жамият активлари умумий ҳажмининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган активлар, ҳар бир активнинг тегишли баланс қиймати кўрсатилади. | |

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 46. Жамият активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги дебиторлик қарзи.<br><br>*(Кўрсатилади:*<br>*жамият олдидаги қарзи жамият активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги қарзга эга дебитор номи;*<br>*тўланиши лозим бўлган тегишли сумма (яқин 12 (ўн икки) ой ичида чораклар бўйича тақсимланади, қолган суммалар йиллар бўйича алоҳида, қарзни узиш муддатларини кўрсатган ҳолда) ва уни сўндириш муддатлари кўрсатилади)* | | | | |
| 47. Жамиятнинг асосий фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ва жамият мажбуриятлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи.<br><br>*(Кўрсатилади:*<br>*жамиятнинг кредиторлари номи;*<br>*тўланиши лозим лозим бўлган тегишли сумма (яқин 12 (ўн икки) ой ичида чораклар бўйича тақсимланади, қолган суммалар йиллар бўйича алоҳида, қарзни узиш муддатларини кўрсатган ҳолда) ва уни сўндириш муддатлари кўрсатилади)* | | | | |
| 48. Жамият томонидан асосий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган, жамият мажбуриятларининг баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи.<br><br>*(Кўрсатилади:*<br>*жамиятнинг кредиторлари номи;*<br>*тўланиши лозим лозим бўлган тегишли сумма (яқин 12 (ўн икки) ой ичида чораклар бўйича тақсимланади, қолган суммалар йиллар бўйича алоҳида, қарзни узиш муддатларини кўрсатган ҳолда кўрсатилади) ва уни сўндириш муддатлари)* | | | | |
| 49. Сўндирилмаган кредитлар (қарзлар) тўғрисидаги маълумотлар.<br><br>*(Кўрсатилади:*<br>*кредит ташкилоти (қарз берувчи) номи;*<br>*кредит (қарз) шартномасининг асосий шартлари;*<br>*кредит (қарз) шартномасининг тугаш санаси;*<br>*кредит (қарз) шартномасининг сўндирилмаган тўлов қисми, сўмда)* | *Кредит ташкилоти (қарз берувчи) номи* | *Кредит (қарз) шартномасининг асосий шартлари* | *Кредит (қарз) шартномасининг тугаш санаси* | *Кредит (қарз) шартномасининг сўндирилмаган тўлов қисми, сўмда)* |
| | | | | |
| | | | | |
| 50. Солиқ тўловлари бўйича муддати ўтиб кетган қарз миқдори, сўмда. | | | | |

| | |
|---|---|
| 51. Активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этган жамиятнинг инвестициялари тўғрисидаги маълумотлар.<br><br>*(Барча инвестициялар миқдори жамият активлари баланс қийматининг 10 фоизни ташкил этганда ҳам, ушбу банд тўлдирилади)* | |
| ***6-боб. Якуний қоидалар*** | |
| 52. Мазкур Рисола нусхалари ва асл нусхаси билан танишиш тартиби ва жойи тўғрисида маълумот. | |
| 53. Қимматли қоғозларнинг чиқарилиши шартлари жойлаштириладиган ахборот-маълумот тизимлари, даврий нашрлар манзиллари ва номлари. | |
| 54. Жамият қимматли қоғозларини сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун жамиятнинг фикрига кўра ошкор этилиши зарур бўлган бошқа маълумотлар. | |

Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини
давлат рўйхатидан ўтказиш, аввал давлат рўйхатидан
ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига
ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш,
аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар
чиқарилишини бекор қилиш бўйича давлат хизматларини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
4б-илова

**ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДИНИНГ ЭМИССИЯ РИСОЛАСИ**

"ТАСДИҚЛАНГАН"

______________________________

(фонднинг номи)

______________________________

(фонд кузатув кенгаши раисининг ёки
бошқа ваколатли шахснинг Ф.И.О. ва имзоси)

20___ йил "___" ___________ ___-сон

**ЭМИССИЯ РИСОЛАСИ**

______________________________

(фонднинг тўлиқ номи)

| Идентификация рақами берилди: | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

______________________________

(акцияларнинг тури ва сони)

Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи номи:

______________________________

Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи раҳбари:

______________________________

(Ф.И.О., имзо)

Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи бош бухгалтери:

______________________________

(Ф.И.О., имзо)

______________ ______________

Сана

Акциялар чиқарилишига доир ҳужжатларни тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатган инвестиция маслаҳатчисининг номи: ______________________________

Инвестиция маслаҳатчиси билан тузилган шартнома рақами ва санаси:

______________________________

Инвестиция маслаҳатчиси раҳбарининг Ф.И.О. ва имзоси: ______________

______________________________

______________ ______________

Сана

______________________________

РЎЙХАТДАН ЎТКАЗУВЧИ ОРГАН УШБУ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЭМИССИЯСИ РИСОЛАСИДАГИ АХБОРОТ ВА ДАЛИЛЛАРНИНГ ТЎҒРИЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАР БЎЛМАЙДИ ШУНИНГДЕК УНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИДА ЖОЙЛАШТИРИЛАЁТГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРГА НИСБАТАН ЎЗ МУНОСАБАТИНИ БИЛДИРМАЙДИ.

"ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ 61-МОДДАСИГА МУВОФИҚ, ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ИНВЕСТИЦИЯ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА ТАНЛАШ ВА МУВОФИҚ РАВИШДА УШБУ ТАНЛОВНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ИНВЕСТОРНИНГ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИДИР.

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.



<table>
<tr><th colspan="6">1. Фонд тўғрисидаги асосий маълумотлар</th></tr>
<tr><th colspan="2">Катакнинг рақами ва номи</th><th colspan="4">Тўлдириладиган катак</th></tr>
<tr><td>1</td><td>Фонднинг тўлиқ ва қисқартирилган номи<br>(1. Фонд ишончли бошқарувчиси раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми. 2.Фонд ишончли бошқарувчиси бош бухгалтерининг фамилияси, исми, отасининг исми)</td><td colspan="4"></td></tr>
<tr><td>2</td><td>Фонднинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва тури</td><td colspan="4"></td></tr>
<tr><td>3</td><td>Фонднинг жойлашган ери ва банк реквизитлари<br>1. Тўлиқ почта манзили<br>2.Электрон почта манзили<br>3.Расмий веб-сайти<br>4.Хизмат кўрсатувчи банкнинг номи ва унинг жойлашган ери<br>5. Фонднинг солиқ органининг номи ва СТИРи)</td><td colspan="4"></td></tr>
<tr><td>4</td><td>1. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи, фонднинг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва рақами<br>2. Давлат статистика органи томонидан берилган кодлар</td><td colspan="4"></td></tr>
<tr><td>5</td><td>Фонднинг фаолият муддати</td><td colspan="4"></td></tr>
<tr><td>6</td><td>Фаолиятнинг асосий йўналишлари</td><td colspan="4"></td></tr>
<tr><td rowspan="2">7</td><td rowspan="2">Устав капиталининг 5 ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилаётган барча фонд акциядорларининг рўйхати (биринчи эмиссияда тўлдирилмайди)</td><td>Акциядорлар — юридик шахсларнинг тўлиқ номи ёки акциядорлар — жисмоний шахсларнинг Ф.И.О.</td><td>Акциядорлар — юридик шахсларнинг жойлашган ери (почта манзили) ёки акциядорлар — жисмоний шахсларнинг паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта маълумотлари</td><td colspan="2">Акциядорнинг устав капиталидаги улуши</td></tr>
<tr><td></td><td></td><td>сони доналарда</td><td>улуш, фоизда</td></tr>
<tr><td>8</td><td>Фонд ишончли бошқарувчиси тўғрисидаги маълумотлар:<br>1. Тўлиқ почта манзили:<br>2. Электрон почта манзили<br>3. Расмий веб-сайти<br>4. Жойлашган ери ва банк реквизитлари<br>5. Тўлиқ почта манзили<br>6. Хизмат кўрсатувчи банкнинг номи ва унинг жойлашган ери<br>7. Фонднинг солиқ органининг номи ва СТИРи<br>8. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи, давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва рақами</td><td colspan="4"></td></tr>
</table>

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.



| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 9. Ўз маблағларининг миқдори, минг сўмда<br>10. Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи сифатида профессионал фаолиятни амалга оширишга берилган лицензиянинг рақами ва санаси, шунингдек, лицензияни берган орган | | | | |
| 9 | Эмиссия рисоласи тасдиқланган пайтдаги фонд кузатув кенгаши барча аъзоларининг рўйхати | Кузатув кенгаши аъзосининг Ф.И.О. | Ҳозирги вақтда ва охирги 3 йилдаги эгалланган лавозимлари | Фонд устав капиталидаги улуши | |
| | | | | сони доналарда | улуш, фоизда |
| 10 | **Фонд таъсисчиларининг рўйхати**<br>*(фақат акцияларнинг биринчи чиқарилишида тўлдирилади)* | Таъсисчилар – юридик шахсларнинг тўлиқ номи ёки таъсисчилар – жисмоний шахсларнинг Ф.И.О. | Таъсисчилар — юридик шахсларнинг жойлашган ери (почта манзили) ёки таъсисчилар — жисмоний шахсларнинг паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта маълумотлари | Фонд устав капиталидаги улуши | |
| | | | | сони доналарда | улуш, фоизда |
| 11 | **Фонднинг аффилланган шахслари рўйхати** | Аффилланган – юридик шахсларнинг тўлиқ номи ёки аффилланган – жисмоний шахсларнинг Ф.И.О. | Аффилланган шахс деб ҳисобланишининг асоси | Аффилланган шахснинг фонд устав капиталидаги улуши | |
| | | | | сони доналарда | улуш, фоизда |
| 12 | Устав капиталида фонд 5 ва ундан ортиқ фоиздаги улушга эга бўлган барча юридик шахсларнинг рўйхати | Номи | Ташкилий-ҳуқуқий шакли | Жойлашган ери | Фонднинг юридик шахс устав капиталидаги улуши |
| | | | | сони доналарда | улуш, фоизда |
| 13 | **Фонднинг барча ваколатхоналари ва филиаллари рўйхати**<br>1. Тўлиқ номи<br>2. Жойлашган ери<br>3. Очилган санаси | | | | |
| 14 | **Фонднинг барча шўъба ва тобе жамиятлари рўйхати**<br>1. Тўлиқ номи<br>2. Жойлашган ери<br>3. Очилган санаси | | | | |

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.



<table>
<tr><td>*</td><td colspan="5">12, 13 ва 14-бандларини тўлдиришда салбий жавоб берилган ҳолда тўлиқ, тушунарли жавоблар бериш мақсадга мувофиқдир, масалан: фонд ваколатхоналар, шўъба ва бўйсунувдаги жамиятларга эга эмас</td></tr>
<tr><td>15</td><td>Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция фонди сифатида профессионал фаолиятни амалга оширишга лицензия берилган санаси, рақами ва лицензия берган орган, шунингдек фондда мустақил рейтинг баҳосининг мавжудлиги</td><td colspan="4"></td></tr>
<tr><td colspan="6">2. Фонднинг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар</td></tr>
<tr><td>16</td><td colspan="5">Охирги уч йил мобайнидаги ёки фонд ташкил топган пайтдан бошлаб, агар бу муддат уч йилдан кам бўлса, ҳар бир тугалланган йил учун фонднинг бухгалтерия баланслари ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботларининг нусхалари.</td></tr>
<tr><td>17</td><td colspan="5">Эмиссия рисоласи тасдиқланишидан олдинги охирги чораклик якуни ҳолати бўйича фонднинг бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботининг нусхалари.</td></tr>
<tr><td rowspan="2">18</td><td>Ташқи аудитор тўғрисидаги ахборот</td><td colspan="4" rowspan="2"></td></tr>
<tr><td>1. Аудиторнинг фамилияси, исми, отасининг исми<br>2. Лицензия берилган санаси ва рақами<br>3. Фонднинг аудиторлик ташкилоти номи ва унинг жойлашган ери</td></tr>
<tr><td rowspan="2">19</td><td>Фонднинг олдинги ташқи аудиторлари тўғрисидаги ахборот<br>(охирги тугалланган уч йил учун)</td><td colspan="4" rowspan="2"></td></tr>
<tr><td>1. Аудиторнинг фамилияси, исми, отасининг исми<br>2. Лицензия берилган санаси ва рақами<br>3. Фонднинг аудиторлик ташкилоти номи ва унинг жойлашган ери</td></tr>
<tr><td rowspan="4">20</td><td>1. Устав бўйича захира фондининг миқдори, фоизда<br>2. Захира фонининг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги ҳақиқий миқдори, минг сўмда<br>3. Бунда, соф фойдадан ажратмалар ҳисобига шакллантирилган захира фондининг улуши, минг сўмда</td><td colspan="4"></td></tr>
<tr><td rowspan="2">Охирги уч йил учун захира фонди воситаларидан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисобот, минг сўмда</td><td>Захира фонди воситаларидан фойдаланилишининг йўналиши</td><td>20__й</td><td>20__й</td><td>20__й</td></tr>
<tr><td></td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td colspan="5">* Агар захира фонди акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган санада шаклланмаган бўлса, буни жавобда акс эттириш лозим.</td></tr>
<tr><td rowspan="2">21</td><td rowspan="2">Охирги тугалланган уч молиявий йил учун фойда фойдаланилишининг асосий</td><td>Тоифа</td><td>20__й</td><td>20__й</td><td>20__й</td></tr>
<tr><td>1</td><td>2</td><td>3</td><td>4</td></tr>
</table>

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.



| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | **йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар, минг сўмда** | Ишончли бошқарувчига тўланган мукофотлар ва бошқа суммалар | | | | |
| | | Қимматли қоғозлар марказий депозитарияси ва инвестиция воситачисига кўрсатилган хизматлар учун тўланган суммалар | | | | |
| | | Дивидентлар | | | | |
| | | Фойдадан бошқа йўналишлар бўйича фойдаланилган суммалар (олдинги тоифаларга киритилмаган) | | | | |
| | | Жами | | | | |
| 22 | **Солиқ ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлар миқдори, минг сўмда** | Солиқ ва йиғимлар турлари | Қарз суммаси | | | |
| | | | | | | |
| 23 | **Охирги ҳисобот санасидаги бошқа кредиторлар бўйича қарзларнинг умумий суммаси, минг сўмда** | | | | | |
| 24 | **Дебитор қарздорлик тўғрисидаги маълумотлар, минг сўмда** (базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 баравари миқдоридан ошган қарз кўрсатилади) | Дебиторлик номи | Жойлашган ери | Қарз суммаси | Қарз узиш муддатлари | Ундириш умидсиз бўлган қарздорлик муддатлари |
| | | | | | | |
| 25 | **Фондга давлат органлари томонидан охирги уч йил мобайнида қўлланилган иқтисодий санкциялар тўғрисидаги маълумотлар** | | | | | |
| | а) санкция қўлланилган саналар<br>б) санкция қўллаш сабаблари<br>в) санкция қўллаш сабаблари<br>г) санкциялар миқдори, сўмда | | | | | |
| 26 | **Фонд амалда жавобгар ёки даъвогар сифатида қатнашаётган суд жараёнларининг мавжудлиги тўғрисидаги ахборот** *(иштирок этаётган ишлар сони, даъво суммаси ва тарафлар)* | | | | | |
| 27 | **Фонднинг устав капитали тўғрисидаги маълумотлар** | | | | | |
| | а) уставга кўра устав капиталининг миқдори, сўмда | | | | | |

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.



| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | б) бухгалтерия баланси маълумотлари бўйича устав капиталининг миқдори, сўмда<br>в) устав капитали тўланган қисмининг ҳажми, сўмда | | | | |
| | г) акциялар бўйича номиналига нисбатан охирги уч йил натижалари юзасидан фоиз ҳисобида тўланган даромадлар | | 20__й | 20__й | 20__й |
| | | | | | |
| | | Оддий акциялар бўйича | | | |
| | д) мавжуд акцияларни йириклаштириш ёки паст номиналдаги акцияларга майдалаш (охирги уч йил учун) | **Йириклаштириш** | | **Майдалаш** | |
| | | эски баҳоси сўмда | янги баҳоси сўмда | эски баҳоси сўмда | янги баҳоси сўмда |
| | | | | | |
| | | | | | |
| 28 | **Аввалги акциялар чиқарилишлари тўғрисидаги маълумотлар (охирги уч йил учун), ҳар бир чиқарилиш учун алоҳида (биринчи чиқарилишда тўлдирилмайди)** | | | | |
| | а) акциялар чиқарилиши учун асос<br>б) давлат рўйхатидан ўтказилган санаси, чиқарилишнинг идентификация рақами<br>в) жойлаштиришни бошлаш санаси<br>г) жойлаштиришни тугатиш санаси<br>д) акциянинг номинал қиймати, сўмда<br>е) номинал қиймати бўйича чиқарилиш ҳажми, сўмда<br>ж) чиқарилган акцияларнинг умумий сони, донада<br>з) жойлаштирилган акциялар расмий листингга киритилган савдолар ташкилотчисининг номи ва манзили<br>и) охирги йил учун акциялар нархларининг тақсимланиши, биржа ёки биржадан ташқари савдоларда расмий рўйхатдан ўтказилган юқори ва пастки нархлар кўрсатилган ҳолда<br>к) акцияларни чиқаришдан мақсад | | | | |
| | **3. Келгуси акциялар чиқарилишини муомалага киритиш шартлари** | | | | |
| 29 | **Келгуси акциялар чиқарилишини муомалага киритиш шартлари** | | | | |
| | а) чиқарилишдаги акциялар тури<br>б) чиқарилишдаги акциялар сони<br>в) чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати, сўмда<br>г) чиқарилишнинг умумий ҳажми | | | | |

| | | |
|---|---|---|
| | (номинал қиймати бўйича), сўмда<br>д) чиқарилишдаги ҳар бир акция билан тақдим этиладиган ҳуқуқлар<br>е) акцияни жойлаштириш усули, шунингдек ёпиқ обуна бўлган тақдирда ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилиши амалга ошириладиган шахслар доираси кўрсатилади<br>ж) акцияни жойлаштиришнинг муддати ва тартиби<br>з) акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби<br>и) акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган фонд бошқарув органи ва қабул қилган санаси<br>к) фонд уставида акциялар эмиссиясига ўрнатилган ҳар қандай чеклашлар, жойлаштирилаётган акцияларни сотиб олиши мумкин бўлганларга нисбатан чеклашлар<br>л) акцияларни чиқаришдан мақсад | |
| 30 | **Акцияларга тўлов пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулкнинг рўйхати кўрсатилсин.**<br>**Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда фонд томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби.** | |
| 31 | **Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони.** | |
| 32 | **Акцияларни жойлаштиришда иштирок этувчи ташкилотлар (андеррайтерлар) тўғрисидаги маълумотлар**<br>(акцияларни жойлаштиришда иштирок этувчи ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ерларини (почта манзилларини) ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, уларнинг вазифалари, жойлаштириш усуллари ва фонд билан ушбу ташкилотлар ўртасидаги шартноманинг (шартномаларнинг) муҳим шартлари, бадал шартлари, шунингдек қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширишга доир берилган | |

QMMB: 09/22/572/0902-son
06.10.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| | лицензияларнинг рақамлари ва саналари ҳамда уларни берган орган.) | |
| 33 | **Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва акциялар эмиссия рисоласи билан танишиш тартиби ва жойи тўғрисидаги ахборот. Акциялар чиқарилишининг шартлари жойлаштириладиган қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайти, даврий босма нашрларнинг манзиллари.** | |
| 34 | **Акциялар реализация қилинадиган жойлар** (қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг номи ва унинг маълумотлари). | |
| 35 | **Ушбу акциялар чиқарилишининг листингга киритилиши режалаштирилаётган савдолар ташкилотчиси тўғрисидаги ахборот.** | |
| 36 | **Мазкур эмиссия рисоласида кўрсатилган барча ҳужжатлар унинг таркибий қисмидир ва улар рақамланган, тикилган бўлиши лозим.** | |

Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш, аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш, аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишини бекор қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентига
5-илова

**Аввал давлат рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқаришларига киритилган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида**
**АРИЗА ШАКЛИ**

| **Аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқаришларига киритилган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказишга АРИЗА** | | |
|---|---|---|
| 1. | Эмитентнинг СТИРи | |
| 2. | Қимматли қоғоз тури | |
| 3. | Рўйхатдан ўтказилган тегишли қимматли қоғозлар чиқаришларининг давлат рўйхатидан ўтказилган рақами ва санаси: | |
| 4. | Ўзгартиришлар киритишнинг сабаби: | |
| 5. | Эмитентнинг масъул ходими ҳақида маълумот ва унинг алоқа маълумотлари | |
| 6. | Лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензия бўйича фаолият тури<br>(агар қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси лицензияси мавжуд бўлса тўлдирилади) | |
| 7. | Аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқаришларига киритилган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун камчиликларни бартараф этган ҳолда қайта мурожаат қилинмоқдами | |
| 8. | Аввал топширилган хужжатлар ва рад жавоби ҳақидаги хабарнома тўғрисидаги маълумотлар<br>(8-банд "ҳа" бўлса тўлдирилади) | |

Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш, аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш, аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишини бекор қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентига
6-илова

**Қимматли қоғозлар чиқарилишларини эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги**
**АРИЗА ШАКЛИ**

| **Қимматли қоғозлар чиқарилишларини эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги АРИЗА** | | |
|---|---|---|
| 1. | Эмитентнинг СТИРи | |
| 2. | Рўйхатдан ўтказилган тегишли қимматли қоғозлар чиқаришларининг давлат рўйхатидан ўтказилган рақами ва санаси: | |
| 3. | Қимматли қоғозлар чиқарилишларининг эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестридан чиқаришнинг сабаблари: | |
| 4. | Эмитентнинг масъул ходими ҳақида маълумот ва унинг алоқа маълумотлари | |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 1